



ЎзДЖТУ  
хузуридаги  
**РИАИМ**

Ўқув-услубий  
мажмуа

Шарқ тили  
йўналиши  
тингловчилари  
учун

Ўқув-услубий  
мажмуа

**2019**

**Филология ва тилларни ўқитиш:**  
**Шарқ тили**  
**Шарқ филологиясида компративистика**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

ЎзДЖТУ проф,  
филол.ф.д. Г.И .Халиева

**Тақризчи:**

ЎзДЖТУ доценти ,ф.ф.н.  
С.Султонсаидова

**Ўқув -услубий мажмуа ЎзРИАИМ Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги  
9 -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР</b>	<b>4-10</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ</b>	<b>11-15</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР</b>	<b>16-22</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ</b>	<b>23-33</b>
<b>V</b>	<b>ГЛОССАРИЙ</b>	<b>34-35</b>
<b>VI.</b>	<b>КЕЙСЛАР БАНКИ</b>	<b>35-36</b>
<b>VII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	<b>37-38</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғриси”даги 5789 сонли Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожи ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик хужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгти ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Шарқ филологиясида компаративистика” модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига қиёсий методология, компаративистика ҳақида маълумот бериш, қиёсий тадқики усулини тушунтириш, бу борадаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

**“Шарқ филологиясида компаративистика” модулининг вазифалари:**

### **Тингловчи:**

- қиёсий тарихий метод ва унинг асосчилари, асосий тушунчалар; филологик таълимда ахборот-коммуникация ва интерактив технологиялари;
- макро ва микрокомпаративистика;
- Шарқ ва Ғарб адабий алоқалари бўйича билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

**“Шарқ филологиясида компаративистика” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:**

- Қиёсий тадқиқ методологияси ва унинг асосий тушунчаларини **билиши керак;**

### **Тингловчи:**

- Адабий алоқалар ва адабий таъсир принциплари, турларини топиш ва таҳлил қилиш;
- таълимни ташкил этиш принциплари; таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиши воситалари, ўқитиши жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари, таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- Шарқ филологияси бўйича машғулотларни ташкил этишда компаративистика методологиясидан унумли фойдаланиш, қиёслаш орқали жиҳатларнинг умумий ва хос томонларини аниқлаш бўйича **малакаларини эгаллаши** лозим.

**Тингловчи:**

- шарқ тилларини ўқитишнинг назарий асосларини;
- шарқ тилларининг коммуникатив ёндашувда ўқтиш асосларини;
- таълимни турли нутқ қўникмаларини ривожлантиришга йўналтиришни;
- таржима, таржима турлари, таржима танқиди ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиши, оригинал ва таржима ҳақида муайян **билимга** эга бўлиши керак.

**Тингловчи:**

- меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- интерактив мультимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- меъёрий-хукуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва тажриба алмашиш;
- таълим жараёнида тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билиш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш
- медиасаводхонлик ва педагогик этика **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва  
узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Филологик таълимнинг электрон ахборот ресурслари”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда

педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг Олий таълимдаги ўрни**

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамият касб этади.

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>				<b>Мустақил таълим</b>	
		<b>Ҳаммаси</b>	<b>Аудитория ўқув юкламаси</b>				
			<b>Жами</b>	<b>жумладан</b>			
1.	Филологик компаративистика: моҳияти ва мазмуни	2		2			
2	Қиёсий таҳлилнинг илмий назарий асослари	2			2		
3.	Қиёсий таҳлил методологияси	2			2		
4	Таржима –қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида	2			2		
5	Асар поэтикаси – компаративистика объекти	2			2		
6	Адабиётлараро жараёнларнинг шакллари	2			2		
7	Қиёсий тадқиқотлар тақдимоти	2			2		

	<b>Жами: 14 соат</b>	14		2	12	
--	----------------------	----	--	---	----	--

## **НАЗАРИЙ ТАЪЛИМ СОАТЛАРИ МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Филологик компаративистика: моҳияти, мазмуни, асосий тушунчалари**

«Филологик компаративистика» тушунчасини очиб бериш. «Филологик компаративистика» курсининг мақсад ва вазифалари. Курснинг илмий фанлар тизимидағи ўрни. Адабий компаративистикасини замонавий ривожлантиришининг асосий тенденциялари. Қиёсий адабиётшуносликнинг мазмуний соҳаси. Бадиий жараённи ривожлантириш омиллари. Адабиётларнинг бир бирига ўзаро таъсир кўрсатиш назарияси. Макро ва микрокомпаративистика. Ўз ватанимиз ва чет эл компаративистлари А.Н.Веселовский, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад, Б.Г.Реизов, А.Дима, Д.Дюришин ва бошқаларнинг асарлари

## **АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Қиёсий таҳлилнинг илмий назарий асослари**

Қиёсий таҳлил объектлари. Қиёсий таҳлилнинг вазифалари. Қиёслаш жараёнидаги энг муҳим босқичлар. Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлар. Компаративистика ва унинг асосий тушунчалари. Текст, асар, дискурс, контекст, интертекст тушунчалари. Компаративистиканинг адабиётшунослик тизимидағи ўрни.

### **2-мавзу: Қиёсий таҳлил методологияси**

Илмий тадқиқот методлари ва қиёсий таҳлил. Қиёсий-тарихий ва чоғишириш методи хусусида. Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари. Қиёсий таҳлил натижаларининг холислигини тъминлаш шартлари. Илмий тадқиқот методи, эмперик ва назарий методлар, қиёсий таҳлил методологияси, қиёсий синтез, қиёсий индукция, қиёсий тарихий ва чоғишириш методи, баҳолаш мезони.

### **3-мавзу: Таржима –қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида**

Таржима назарияси фан сифатида. Таржимашуносликка оид мухим тушунчалар. Таржима адабиётлараро коммуникация воситаси. Таржима компаративистика объекти. Таржима турлари ва жанрлари. Бадий таржима (прозаик, шеърий, драматургик). Бадий таржима назариясининг асослари. Бадий матнинг мазмуний сигимини сақлаб қолиш - таржиманинг вазифаси сифатида. Бадий таржиманинг ҳаққонийлиги. Бадий адабиётлар таржимасида миллий бўёқларни сақлаб қолиш муаммоси. Бадий таржиманинг стилистик муаммолари.

#### **4-мавзу: Асар поэтикаси – компаративистика объекти**

Поэтика ҳақида тушунча. Поэтиканинг таснифи. Бадийлик ва бадий маҳорат. Поэтикага оид замонавий тадқиқотлар. Поэтика, умумий, тавсифий норматив, назарий ва тарихий поэтика, поэтик маҳорат, бадийлик, бадий олам, мезон. Ёзувчи ва шоир маҳорати. Назарий ва тарихий поэтика.

#### **5-мавзу: Адабиётлараро жараёнларнинг шакллари**

Миллий, худудий ва жаҳон адабиёти. Миллий, худудий ва жаҳон адабиёти. Миллий, худудий ва жаҳон адабиёти Миллий, худудий ва жаҳон адабиёти. Адабиётлараро алоқалар. Типология ва типологик муштараклик. Адабиётшуносликда мультикультуризм.

#### **6-мавзу: Қиёсий тадқиқотлар тақдимоти**

Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг истиқболи. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида. Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг моҳияти. Ўзбек адабиётшунослигига қиёсий йўналишдаги илмий ишлар. Қиёсий адабиётшунослик бўйича тингловчиларнинг ўз тақдимотлари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий холосалар чиқариш);

баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади ( индивидуал ёки групхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Бадиий тил.	Адабий асаллар ёзиладиган тил	
Неологизм	Тилимизга чет тиллардан кириб келган янги сўзлар	
Махсус лексик қатламалар	Эскирган сўзлар, архаизмлар	
Вулъгаризм	Қўпол сўзлар	

<b>Жаргон</b>	Маълум гурухларгагина тушунарли бўлган сўзлар	
<b>Туш</b>	Тушда асар сюжетини кўриши, яъни тушдаги воқеаларни асар сюжетига кўчирилиши	
<b>Монолог</b>	Қахрамоннинг ўз-ўзига қаратагайтган нутқи	

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



### Муаллиф, ҳикоячи ва персонаж нутқини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Эпик турнинг жанрлаирда муаллиф нутқидан фойдаланишининг кучли томонлари	Бадиий асарнинг гоясига бевосита боғлиқ бўлган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши
<b>W</b>	Кичик эпик тур жанрларда ҳикоячи нутқидан фойдаланишининг кучсиз томонлари	Қисқа эпизодларда иштирок этиши
<b>O</b>	Драматик асарларда персанаж нутқидан фойдаланишининг имкониятлари (ички)	Барча персанажларнинг ўз нутқи дилог ва монолог шаклида берилиши

T	Түсікелар (ташқи)	Маълумотларнинг тўлақонли таъминланмаганлиги...
---	-------------------	--

## **Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда мухокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик групкалардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик групкаларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир групга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир груп ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча групкалар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Тил шакллари					
Адабий тил		Бадиий тил		Халқ жонли тили	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиг и
<b>Хулося:</b>					

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезрок ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр: АДАБИЁТ - МИЛЛАТ ОЙНАСИ**

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**Вени Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

## II. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

### 1-мавзу: ФИЛОЛОГИК КОМПАРАТИВИСТИКА: МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ

#### Режа:

- 1.1. Филологик компаративистика ҳақида түшүнчә
- 1.2. Адабий компаративистикага хос хүсүсиятлар
- 1.3. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатыда

**Таянч түшүнчалар:** компаративистика, ыйёсий адабиётшунослик, қиёсий тарихий метод, Д.Дюришин, А.Н.Веселовский, Н.Конрад, И.Неупокоева, макрокомпаративистика, микрокомпаративистика.

**1.1. Компаративистика** (лат.comparativus—қиёсий) турли хил жараёнларнинг қиёсий ўрганилишига асосланган фан йўналиши бўлиб, бошқа соҳалар каторида тил ва адабиётни ҳам қамраб олади.

Мазкур термин биринчи марта Францияда («littérature comparée», 1817), кейин Англияда («Comparative literature» 1886), Германияда (журнал номланишида «Zeitschrift für vergleichende Literaturgeschichte», 1887–1910), Россияда (1889 й А.Н. Веселовский тадқиқотларида) кўлланила бошланган.

Тил ва адабиёт доирасида олиб бориладиган қиёсий тадқиқотлар йўналишига филологик компаративистика дейилади. Филологик компаративистика иккита катта гурухдан иборат:

1. Лингвистик компаративистика, яъни қиёсий тилшунослик.
2. Адабий компаративистика, яъни қиёсий адабиётшунослик.

Лингвистик компаративистика, бир-бираига яқин бўлган ва яқин бўлмаган тилларни турли йўналишларда қиёсан ўрганишни мақсад қиласди. «Тилларни қиёсий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, уларга тарихийлик

жиҳатидан ёндашиш кабилар қиёсий-тарихий тилшуносликнинг майдонга келишига, тилшуносликнинг алоҳида, мустақил фан сифатида қатъий тан олинишига замин яратди»<sup>1</sup>.

## 1.2. Адабий компаративистикага хос хусусиятлар

Адабий компаративистиканинг **объекти** адабий жараён, **предмети** бадиий адабиётни ўрганиш билан боғлиқ барча масалалардан иборат (масалан, асар сюжети ва композицияси, мазмун ва шакл, бадиий асар тили, ёзувчи услуги ва ҳ.к.) *Синтезм, менталлик, рецептив эстетика, интертекст(лик), паратекст(уаллик), метатекст, гипертекст, архитекст, имагология, ворислик, семиотика, типология, мотив* бошқа атамалар қиёсий адабиётшуносликнинг асосий тушунчалари ҳисобланади (глоссарийда берилган)

Илмий адабиётларда таъкидлаганидек, қуйидаги адабий ҳодисалар компаративистика учун объект бўлиб хизмат қилиши мумкин: Асарнинг асли ва таржимаси; Асар поэтикаси: сюжет, композицияси, асар тили, мотивлар, ёзувчилар маҳорати ва ҳ.к; Ўзга халқнинг бошқа бир халқ адабиёти ҳақидаги қарашлари, адабий рецепция ( ўзга халқ адабиётини қабул қилиш жараёни) ҳам қиёсий адабиётшунослик объекти саналади (*Масалан, “Навоий рус китобхони нигоҳида ёки Пушкин ўзбек китобхони назарида, фитратиunos японлар” каби мавзулар*) Айнан битта бадиий асарга олимларнинг турлича қарашлари (масалан “Бобурнома” ҳақида ўзбек, рус, япон, немис олимларининг илмий изланишлари); Халқаро адабий алоқалар: ўзаро таъсир, анъанавийлик ва новаторлик масалалари; Турли хил санъат (*мусиқа, рассомчилик, хайкалтарошлиқ, кино*) турларининг адабиётга таъсири масаласи ва бошқалар.

Шарқшунос Н.И.Конрад (1891-1970) қиёсий адабиётшунослик объекти бўлиши мумкин бўлган 5 та жиҳатга эътиборни қаратади: 1.Тарихий умумийликка эга миллат адабиётлари қиёси (мас., форс ва тожик ). 2. Турли

---

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент. 2010. -Б.78-115

халқлар адабиётида типологик хусусиятлар қиёси (мас., XIX аср классик реализми). 3. Турли макон ва замондаги халқлар адабиёти қиёси (мас., рус ва ўзбек). 4. Бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда типологик хусусиятларга эга бўлган адабиётлар қиёси (мас., рицарлик романлари ва япон ҳарбий эпопеялари). 5. Халқлараро адабий алоқалар қиёси. Бу ўринда олим адабий таъсир ва адабий алоқаларга алоҳида урғу беради<sup>2</sup>

В.М.Жирмунскийнинг(1891-1971) таъкидлашича, ёзувчи ижодини унга таъсир ўтказган миллий ва халқаро адабий анъаналар билан қиёсан ўрганиш ҳам жуда катта методик аҳамиятга эга бўлиб, адебнинг ижодий индивидуаллигини, миллий ва жаҳон адабиёти тараққиётидаги ўрнини аниқлашга ёрдам беради<sup>3</sup>.

Германияда нашр қилинган монографияда компаративистика фани 1) «адабиёт назарияси компаративистики Dichtungs- / Literaturtheorie», 2) «адабиёт тарихи компаративистики» 3) «компаратив интермедиал тадқиқотлар (komparatistische Intermedialitätsforschung/ Comparative Arts)»; 4) «компаратив маданиятшунослик (komparatistische Kulturwissenschaft)» каби 4 та гурухга ажратилган<sup>4</sup>. Бу ўринда муаллифлар адабиёт билан алоқаси бўлган ҳар бир ҳодисани компаративистика нуқтаи назаридан ўрганиш мумкинлиги назариясини илгари сурғанлар.

Бундан ташқари компаративистика назариясига кўра адабий жараённи икки хил ёндашув орқали қиёслаш мумкин:

1.Адабий жараёнга тарихий генетик ёндашув (*келиб чиқишии жиҳатидан бир хил ёки яқин халқлар адабиёти*)

2. Адабий жараёнга қиёсий типологик ёндашув (*келиб чиқишиидан қатъий назар умумий томонларга эга бўлган халқлар адабиёти*) Масалан, турли

---

<sup>2</sup> Конрад Н.И. Избранные труды. Литература и театр. - М.: Наука, 1978. – С.32-33.

<sup>3</sup> Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно- исторического изучение литературы // Известия АН. Т.XIX.Вып. 3. -М.1960. -С.183.

<sup>4</sup> Handbuch Komparatistik: Theorien, Arbeitsfelder, Wissenspraxis / Hrsg. von Zymner R., Hölter A. – Stuttgart: Verlag J.B. Metzler, 2013. – 405 S: Бу ҳақда яна қаранг: Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Сер. 7, Литературоведение: Реферативный журнал. -М.2016.-С.7-21 .

ҳалқлар адабиётидаги адабий мавзулар, анъанавий қаҳрамонлар, жанрлар, адабий йўналишлар.

Адабиётни қиёсан ўрганиш жиҳатдан компаративистика иккита катта турарху га бўлинади.

1. Макрокомпаративистика – генетик жиҳатдан боғланмаган турли миллат доирасидаги адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (*масалан: Шекспир ва А.Навоий ижоди*).

2. Микрокомпаративистика – бир миллатга ёки ҳудудга (регион) мансуб адабий ҳодисаларнинг қиёсий таҳлили (*масалан: А.Қаҳҳор ва Ў.Хошимов, А.Яссавий ва Махтумқули ижоди сингари*)

Адабиётшунос олимларнинг илмий ишларини қиёсан ўрганиш ҳам макро ёки микрокомпаративистика обьекти бўлиши мумкин. Е.Э.Бертельс (1890-1957) ва А.Н.Малехова (1938-2009) бир макон, ҳар хил замонда яшаб ижод этган рус олимларидир. Уларнинг айнан бир асар бўйича, яъни Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонига оид илмий изланишлари қиёсан ўрганишни, фикрлар тадрижи ва такомилини кўрсатишни, қолаверса, фарқ ва умумийликни аниқлашни тақозо қиласди. Бу эса микрокомпаративистика обьекти ҳисобланади. Ҳар иккала шарқшуноснинг илмий қарашларини қиёсан ўрганиш асосида шундай хуносаларга келиш мумкин<sup>5</sup>:

1. Е.Э.Бертельс (1928) ва А.Н.Малехова (1978) тадқиқотларида герменевтик таълимот мувозанати бузилмаган, матн моҳияти ўткинчи ғоя ва мафкуравий манфаатлар учун қурбон қилинмаган. Е.Э.Бертельснинг 40-йиллардаги тадқиқотлари ҳақида бундай дейиш қийин, чунки қатағон сиёсати олимни давр мафкураси билан ҳисоблашишга мажбур қилган; Ҳар иккала шарқшуноснинг асар сюжети, Навоийнинг тасаввуфга алоқаси, Фоний таҳаллусини танлаш сабаби, Шарқ назиранавислиги хусусидаги фикрлари деярли ҳамоҳанг. Масалан, Навоий ва тасаввуф масаласида Е.Э.Бертельс

<sup>5</sup> Г.Халиева XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Монография.-Тошкент. Мухаррир. 2018. -Б.133-134.

шоирнинг тасаввуф таълимотини чуқур билгани, аммо сўфий амалиётчи бўлмаганини қайд қиласди. А.Н.Малехова ҳам тасаввуф шоир учун мақсад эмас, восита бўлганини таъкидлайди.

**2.** Е.Э.Бертельс масалага тарихий-биографик, А.Н.Малехова структур-систематик жиҳатдан ёндашади. Олим ҳикоятлар моҳиятини сиёсий, ижтимоий-маданий контекстда, майда унсурларигача таҳлил қиласди, А.Н.Малехова эса асосий эътиборини асарнинг ички композицияси, муаллиф шахсияти, ҳикоятлар типологияси тадқиқига қаратади.

**3.** Ҳар иккала тадқиқот моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Қарашлардаги эволюция «Лисон ут-тайр» достонини турли аспектда ўрганиш мумкинлиги ва давомийлигини қўрсатади.

### **1.3.Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида**

Фан тарихидан маълумки, қиёсий адабиётшунослик ҳақидаги дастлабки назарий фикрлар адабий жараёнларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини изоҳлаш эҳтиёжи туфайли XIX асрнинг бошларида Европада, XIX асрнинг 2-ярмида Россияда шаклланган<sup>6</sup>.

Қиёсий тадқиқотлар дастлаб тилшунослик йўналишида олиб борилган ва кейинчалик адабиётшуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказган. Қиёсий-тарихий метод ривожида Франс Бопп, Расмус Раск, Якоб Гримм каби Европа тилшуносларининг алоҳида ҳиссаси бўлиб, улар новатор тилшунослар сифатида майдонга чиқдилар<sup>7</sup>.

Илк назарий компаративистик фикрлар Германияда шаклланган. Немис тарихчиси И.Г. Гердер (1744-1803) ва буюк адаб И.В.Гете (1749-1832) тадқиқотлари, асарлари айнан қиёсий йўналишда яратилган. И.Г.Гердер аввало эътиборини европа халқлари маданий хаётидаги умумий жиҳатларга қаратади. Унинг ғояларини давом эттирган буюк адаб И.В.Гёте эса фанга “жаҳон адабиёти” тушунчасини олиб киради. Маданиятнинг ягоналиги,

<sup>6</sup> Батафсил каранг: Академические школы в литературоведении. -М.1975.

<sup>7</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент. 2010. -Б.81

айниқса, жағон адабиётини ташкил қиладиган, Шарқ ва Ғарб маданиятидаги муштарақ жиҳатларни ўзининг Ғарбу Шарқ девонида мужассам қиласы.

Рус шарқшунослигіда қиёсий-тарихий метод рус тарихчиси ва назариётчisi А.Н.Веселовский (1838-1906) номи билан боғлиқ. Олим мазкур атамани биринчи бўлиб фанда муомалага киритган. Дастраски тадқиқотларидаёқ А.Н.Веселовский масалага тарихийлик принципи асосида ёндашган. Масалан, 1859 йилда немис олим Г.Флотонинг «Илоҳий комедия» ҳақидаги мақоласига тақризида: «Ёзувчини замондан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин, Данте ижодий мероси фақат Дантенеки эмас, бунда даврнинг ҳам ролини англаш жоиз», –дея олимнинг қарашларини танқид қиласы.<sup>8</sup> Унинг назарида адабиёт тарихи ижтимоий фикр, маданият ва фан тарихидир, шоир шахсиятини эса маълум тарихий шароит шакллантиради, шоирнинг индивидуаллик, шахсий ташаббус даражасини аниқлаш учун, даставвал унинг ижоди нима билан куролланганлиги тарихини кузатишимиз керак бўлади.

А.Н.Веселовский барча фикрларини жамлаб, қиёсий методологияга таянган ҳолда “Тарихий поэтика” асарини яратади.<sup>9</sup> Рус олимаси М.Г.Богаткинанинг фикрича, замонавий компаративистика методологияси айнан А.Н.Веселовский яратган қиёсий-тарихий мактаб анъаналарига асосланади ва матнни ўрганишнинг қиёсий методлари мажмуасидан иборат.<sup>10</sup>

Хуллас, қиёсий тадқиқотлар учун асосий метод ҳисобланган қиёсий-тарихий метод<sup>11</sup> адабий жараён динамикасини, ворисийлик ва анъаналар алмашинувини, бадий қадриятларни тўлиқ англашга ёрдам беради.

А.Н.Веселовскийдан кейин адабий компаравистиканинг методологик жиҳатлари В.М.Жирмунский, А.Дима, Д.Дюришин, Н.И.Конрад, И.Г.Неупокоева, М.Б.Храпченко, А.Кокорин, М.Богаткина, В.Р.Аминева,

<sup>8</sup> Академические школы в русском литературоведении. –М.:Наука, 1975.-С.211.

<sup>9</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – Москва: Высшая школа; – 1989. – С. 405.

<sup>10</sup> Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. –Казань, 2004. –С. 75.

<sup>11</sup> Қаранг: Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.Т., 2008. №4. –Б.38-46.

Ю.И.Минералов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва бугунги кунда хам ўрганилмоқда.

Бугунги кунда қиёсий адабиётшунослик фани кундан кунга ривожланиб бормоқда. Америка олимлари В.Фредрик (компаративистларнинг халқаро Америка ассоциацияси Президенти) ва Рене Уэллек бошлаб берган анъаналарни давом эттириб, дунёнинг турли илмий марказларида компаративистика илмий лабораториялари, мактаблари ташкиллаштирилмоқда. Москва компаративистика мактаби, Британия ва Америка қиёсий адабиётшунослик ассоциациялари<sup>12</sup> шулар жумласидандир.

Хозирда қиёсий адабиётшунослик бўйича дунёда бир қанча илмий журналлар нашр қилинади. Россияда чоп этиладиган “Имагология ва компаративистика”, “Тарихий поэтика”, Франциядаги “Revue de littérature compare” ана шундай нуфузли журналлардан бўлиб, уларда компаративистикага оид энг яхши мақолалар эълон қилинади<sup>13</sup>

### **Саволлар:**

1. Назарий поэтика нимани ўрганади?
2. Ахборот портали бу-
3. Интернет тармоғи орқали компаративистикага оид маълумотлар ва хабарлар алмашиб тизими.
4. Қиёсий филологияга оид замонавий журнал

---

<sup>12</sup> [www.bcla.org/index.htm](http://www.bcla.org/index.htm); [www.agla.org](http://www.agla.org)

<sup>13</sup> <http://journals.tsu.ru>; [www.cairn-int.info/journal-revue-de-litterature-comparee.htm](http://www.cairn-int.info/journal-revue-de-litterature-comparee.htm)

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-мавзу: Қиёсий таҳлилнинг илмий назарий асослари

Қиёсий таҳлил оддий таҳлилдан фарқ қиласи. Анъанавий таҳлил объектлардан, улар эса ўз ташкил этувчиларидан иборат. Тадқиқотчилар учун шуни билишнинг ўзи кифоя. Қиёсий таҳлил эса айтиб ўтилган ҳаракатлардан ташқари яна таҳлил объектларининг ташкил этувчиларини ҳам бир-бiri билан қиёслашга қаратилади.

Қиёсий таҳлилдан мақсад – қиёсланувчи объектларнинг ўхшашик ва тафовутларини аниқлашдир. **Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлар.**

Баъзида қўлимизда шунча материал бўла туриб, нимани нима билан қиёслашни ёки таққослашни билмаймиз. Маълумки, қиёсий таҳлил жараёнига, унинг натижалариiga қўпгина ҳолатлар таъсир қиласи. Булар қиёслаш объектларининг мазмуни; таҳлилдаги методологик воситалар; қиёсий таҳлил ўtkазиш усувлари ва х.к. Буларни барчасини ҳисобга олган ҳолда, қиёсланиши мумкин бўлган қуйидаги типик вазиятларни кўрсатиш мумкин.

**Биринчи вазият**, бир макон ва замонда мавжуд бўлган адабий воқеа ҳодисаларни қиёслаш. Бундай қиёслов механизми ўзига хос хусусиятларига эга. Биринчидан, қиёсланаётган объектларнинг маконий бирлиги, муҳит умумийлиги унинг бу хусусиятларга таъсир қилишини ўрганишни кун тартибидан чиқаради. Умумий макон ва замон эса, қиёслаш объектларининг муҳити бир эканлиги ҳақида далолат бериб, бу муҳит уларга асосан бир хил таъсир кўрсатади. Бу эса қиёсий таҳлилнинг бирмунча “соддалашувига”, енгиллашувига олиб келади. Иккинчидан, қиёсланувчи феноменларнинг бир макон ва бир замонда мавжудлиги уларнинг табиий-тарихий бирлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Масалан, **Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик** ижодини қиёсан ўргансак, бир макон ва замонда яшаб ижод этган ёзувчиларнинг умумий ва хос томонларини аниқлай оламиз.

**Иккинчи вазият.** Бир макон, лекин ҳар хил замондаги адабий ҳодисаларнинг қиёсидан иборат. Маълум бир шароитларда, бир муҳитда, бир маконда, аммо турли вақтда мавжуд, мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлиши мумкин адабий ҳодисаларни қиёслаш керак бўлганда, иккинчи вазият юзага келади. Шу билан бирга, турли вақтда, аммо жуда ўхшаш вазиятларда мавжуд бўлган ҳодисаларни қиёслаш – қийин вазифа. Одатда, бу ерда муайян муаммолар, қийинчиликлар, жумбоқлар юзага келади.

Кўпинча худди ўша бир макон, масалан, бир мамлакат шароитларида мавжуд бўлган ҳодисаларни вақт омилини инкор этган ҳолда қиёслашга ҳаракат қилишади. Бу нотўғри. Масалан, бир маконда, аммо ҳар хил замонда яшаб ижод қилган шоирлар: Муқимий билан Муҳаммад Юсуфнинг ёшлар, ёшлик ҳақидаги қарашларига албатта вақт ўз ҳукмини ўтказади. Бошқача айтганда, агар қиёсланувчи обьектлар айнан бир муҳитда мавжуд бўлса, у уларга ўз тараққиётининг турли даврларида турлича таъсир кўрсатишини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Ҳатто агар ҳодисалар мавжуд бўлган шароитлар (мамлакат, қандайдир бир макон) тубдан ўзгармаган бўлса-да, бу вақт ичida қиёслаш обьектларининг ўзи ўзгарган бўлиши мумкин.

**Учинчи вазият.** Бир замон, лекин ҳар хил маконда мавжуд бўлган обьектларни қиёслаш.. Масалан, бугунги кунда бир замонда, аммо ҳар хил маконда яшаб ижод қилаётган ўзбекистонлик ёзувчи Носир Зоҳид ва америкалик ёзувчи Виктория Швабнинг бир хил номдаги “Қасос” романи бор. Бу ўринда ҳар иккала романдаги қасос мотивини таққослашда албатта муҳитнинг қиёслаш обьектларига таъсирини ҳисобга олиш жуда муҳим. Бу жараён тадқиқотчидан алоҳида эътиборни талаб қиласди. Чунки қиёсий таҳлил жараёнида шароитлар, сабаблар ва асосларнинг қиёсланувчи феноменларга таъсирини ҳисобга олишга тўғри келади.

Хуллас, қиёсий таҳлил обьектларининг бир вақтда мавжудлиги улар яшаб, ривожланадиган муҳитларнинг уларга таъсир этиш хусусиятларини эътиборга олмаслик учун асос бўла олмайди. Сабаби, агар шундай қилинса, қиёслаш кутилган натижани бермайди.

**Түртінчи вазият.** Ҳар хил макон ва замон адабий ҳодисаларини қиёслаш жараёни. Бунда турли мұхитлар, турли маконлар ва турли замон адабий ҳодисалари таққосланади. Бу вазият қиёсий таҳлил методологияси ва методикаси учун энг мураккаби саналади. Масалан, Шекспир ва Алишер Навоий асарларида маърифат талқини ёки Абдулла Қаҳхор ва Жек Лондон асарларида бадиий психологизм масаласини ўрганиш учун қуидагиларни ҳисобга олиш керак бўлади:

Биринчидан, қиёсланадиган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш керак. Иккинчидан, қиёсий таҳлил объектлари мавжуд бўлган олдинги шароитлар ва мұхитларни ҳам имкон қадар чуқурроқ ўрганиш, уларнинг Шекспир ва Навоий ёки Абдулла Қаҳхор ва Джек Лондон дунёқарашига таъсирини очиб бериш керак бўлади. Чунки ҳар хил замон ва маконда яшаб ижод этган адиларнинг асарларини машҳурлиқдан бошқа яна нима бирлаштириб турганини билиш учун кўпгина адабий ҳодисаларни юзага чиқариш лозим.

Қиёслаш объектларининг макон-замон параметрлари муносабати билан, таҳлил қилувчининг йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлади. Аммо қиёсланадиган феноменларнинг ривожланиш жараёнида вужудга келадиган вазиятларнинг хусусиятларини ҳисобга олсак, уларни ҳал этиш мумкин. Амалиёт қўрсатишича, агар қиёсий таҳлил олиб бораётган тадқиқотчилар бу қийинчиликларни тушунса ҳамда фарқланувчи, зиддиятли ҳодисаларни қиёслаш методологияси ва методикасига эга бўлса, қиёслаш натижаси яхши самара беради.

### **Саволлар:**

1. Машхур ватандошларимиз ҳақидаги таълимий ресурс.
2. Д.Дюришин типологик алоқаларнинг нечта турини ажратиб кўрсатган?
3. Одиссея ва Алномиш асарларини қиёсий ўрганган олим?
4. “Лисон ут тайр” ва “Мантиқ ут тайр” асарларини қиёсий ўрганган олим?

**ВАЗИФА: Қиёсланиши мумкин бўлган типик вазиятлардан бирига мисол келтириб таҳлил қилинг.**

## **2-мавзу: Қиёсий таҳлил методологияси**

**Қиёсий таҳлил** – бу борлиқдаги ҳодисаларни билиш ва ўзгартириш бўйича методология босқичларидан биридир. Қиёслаш методологияси маълум бир макон ва замонда мавжуд турли жараёнларни қиёслаш учун асосларни шакллантиради. Шунинг учун ҳам методологияда қиёсий таҳлилнинг ўрнини аниқлаш зарурияти туғилади.

Маълумки, методология илмий тадқиқот методлари ҳақидаги таълимотдир. Барча фанларда илмий тадқиқот методлари эмперик ва назарий методларга бўлинади. Айнан эмперик ва назарий методлар асосида ҳар бир фан, жумладан, адабиётшунослик ҳам ўз тадқиқот усусларини шакллантиради. «Тадқиқот методларисиз бирорта фан ҳам ўз мақсадига (стратегиясига), тадқиқот объектининг моҳиятини очишга эриша олмайди. Чунки у ёки бу фаннинг табиат ва жамият ҳодисаларини аниқлаши, уларга хос қонуниятларни топиши, улар ҳақида илмий-фалсафий ғоялар чиқариши, шакшубхасиз, муайян методлар орқали амалга ошади»<sup>14</sup>

Эмперик метод кузатиш ва тажриба ўтказиш билан боғлик бўлиб, **режалаштириш, тавсифлаш, статистика** каби босқичлардан иборат.

Назарий методларга эса анализ, синтез, абстракция, индукция, дедукция, аналогия моделлаштириш кабилар мансубдир. Назарий методларнинг барчаси қўйидаги босқичлардан ўтади:

- **қиёслаш;**
- **умумлашириш;**
- **таснифлаш** (классификация);
- **баҳолаш.**

Демак, аён бўладики, қиёслаш барча назарий илмий хулосаларнинг асосий босқичларидан бири ҳисобланади.

### **Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари**

---

<sup>14</sup> Расулов Р. Умумий тилшунослик. Тошкент. 2010. -Б.291

Қиёслаш натижаларини баҳолаш юқорида кўриб ўтилган қиёсий таҳлил вазифаларининг қай даражада бажарилганига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Илмий адабиётларда қиёслаш натижаларини холисона баҳолашнинг тарихий, гносеологик, мантиқий, методологик, маънавий-гоявий ва бошқа мезонлари мавжуд. Уларни аниқроқ тасаввур қилиш учун, баъзиларини кўриб чиқамиз.

**Тарихий мезон** – бу қиёсий таҳлил натижаларининг тарих фактларига қанчалик мос келишини баҳолашдир.

**Гносеологик мезон** – бу бу қиёсий таҳлил натижаларини уларнинг билиш назарияси қонунлари ва тамойилларига мос келиши нуқтаи назаридан баҳо беришдир.

**Мантиқий мезон** - бу қиёсий таҳлил натижаларининг мантиқ қонунлари талабларига мос келишини баҳолашдир.

**Методологик мезон** - бу қиёсий таҳлил натижаларининг методик воситалардан фойдаланиш танлови ва тартибига мос келиши нуқтаи назаридан баҳолашдир.

**Маънавий-гоявий мезон** - бу қиёсий таҳлил натижаларини жамият маънавияти, гоявий мақсадларига қай даражада мос келишини эътиборга олиб, баҳо беришдир.

Хуллас, юқоридаги мезонлар қиёсий таҳлил натижаларини баҳолаш, компаративистик тадқиқотнинг илмий-назарий жиҳатларини аниқлаш имконини беради.

### **Саволлар:**

1. Қиёслаш мумкин бўлган 4 та типик ҳолат нимага нисбатан ўрганилади?
2. Таржиманинг лингвистик жиҳатлари
3. Компаративистикага оид ахборотларни оддий навигация ва кенг қўламли қулай интерфейс орқали етказиш учун турли ахборот ресурсларини бирлаштирувчи телекоммуникация тармоғи тугуни
4. Қиёсий филологияга оид замонавий журнал

**ВАЗИФА: Қиёслаш натижаларини баҳолашнинг мезонлари асосида қиёсий йўналишдаги бирор намунани ёзма таҳлил қилинг.**

**3-мавзу: Таржима –қиёсий адабиётшунослик объекти сифатида**

Таржима тарихига назар соладиган бўлсак, унинг илдизлари эрамиздан олдинги даврларга бориб тақалади. Биринчи бўлиб ёзма таржимани қадимги Рим шоири, драматурги ва таржимони Ливий Андроник (280-205) амалга оширган. У Гомернинг машҳур “Одиссея” асарини юон тилидан лотин тилига таржима қилган.

Таржима назарияси ҳақидаги дастлабки фикрларни эрамизгача бўлган биринчи асрда Туллий Цицерон(106-43) ўз асарларида ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, “таржимада шаклни эмас, мазмунни етказиш керак. Сўзма сўз таржима таржимоннинг ожизлигидан дарак беради”<sup>15</sup>

Ўрта асрлардаги таржималар диний асарларни таржима қилиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Уйғониш даврида (XIII аср охири, XIV аср боши Европа) нафақат диний ва яна бадиий асарлар таржима қилинган.

XX асрларга келиб таржима назарияси фан сифатида тўлиқ шаклланади ва бир қанча назарий китоблар яратилади. F.Саломовнинг “Таржима назарияси асослари” илмий асари ўзбек адабиётшунослигига таржима назариясига оид энг яхши асарлардан биридир.<sup>16</sup> Ушбу китобда маданий илмий ҳамкорлик ва таржима, адабий алоқа ва бадиий таржима, таржима тарихи сабоқлари, бадиий таржимада услугуб, миллий колоритни ифодалашнинг мазмун ва мундарижаси, миллий мослаштириш принциплари (ўзга халқнинг ижодий маҳсулини ўз халқининг характерига мослаштириш. *Масалан, Навоийнинг русча таржимадаги шеърлари рус халқининг мулкига айланиши, шеърий таржимада вазн трансформацияси* каби масалалар ёритилган.

**Саволлар:**

1. Шарқ филологиясидаги асосий тадқиқот методлари

<sup>15</sup> <http://linguisticus.com/ru>

<sup>16</sup> Саломов F. Таржима назарияси асослари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1983.

2. Объектнинг муштарак ва хос хусиятларини аниқлаш методи
3. Қайси методда тил ёки адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашиб таҳлил қилинади
4. Моделлаштириш - нима?

**ВАЗИФА: Таржима қилинган асар асосида қуидаги мавзулардан бирига аннотация ёзинг:**

- 1.Оригинал асар ва таржиманинг мувофиқлиги;
- 2.Ёзувчи ва таржимоннинг ижодий индивидуаллиги;
- 3.Адабий алоқа ва таржима;
- 4.Асар ва унинг рецепцияси (қандай эди, қандай қабул қилинди?);
- 5.Таржима ва адабий таъсир масаласи;
- 6.Жанрлараро таржима: лирик, эпик, драматик тур жанрлари таржималарида ўхшашлик ва фарқлар;
7. Таржима ва маданиятлараро коммуникация;
8. Бадиий таржимада оламнинг қайта яралиши муаммоси
9. Ёзувчи ва таржимон маҳорати ва х.к. масалалар

**4-мавзу: Асар поэтикаси – компаративистика объекти**  
**“Поэтика”** атамаси биринчи марта Арастунинг асарида қўлланилган<sup>17</sup>. Файласуф адабиётни эпос, лирика, драма каби уч турга ажратиш баробарида уларнинг бадиий хусусиятларига хос жиҳатларни ҳам таҳлилга тортади. Шундан сўнг Шарқ ва Ғарбда поэтика билан боғлиқ кўплаб илмий асарлар юзага келади.

Рус олими А.А.Потебня (1835-1891) фан тарихида биринчилардан бўлиб поэтиканинг назарий асослари ҳақида илмий асарлар ёзган.<sup>18</sup> У ўзининг “Тарихий поэтика” китобида поэзия ва проза, бадиий тасвир воситалари, поэтик ва мифологик тафаккур, стилистик фигуранлар ҳақида илмий назарий

<sup>17</sup> Аристотель Поэтика. Об искусстве поэзии. - М.1961

<sup>18</sup> Потебня А.А. [Эстетика и поэтика. -М.1976](#); [Теоретическая поэтика. -М.1990](#)

хулосаларини беради. Унинг адабиётшуносликка доир айрим изланишлари<sup>19</sup> кейинчалик адабиётшунос М.Бахтин томонидан давом эттирилган<sup>20</sup>. Адабиётшунос У.Жўрақуловнинг таъкидлашича, йирик назариётчи олим М.М.Бахтин асарларининг бирортаси ҳам тарихий ва назарий поэтика синтезисиз амалга оширилмаган<sup>21</sup>.

“Поэтика” - юонон тилидан олинган бўлиб, «санъат, яратувчанлик, маҳорат» деган маъноларни билдиради. Рус олими В.М.Жирмунскийнинг фикрича, поэтика поэзияни санъат даражасида ўрганадиган фандир. У ўз даврида илгари сурган “адабиёт ҳақидаги фан поэтика белгиси остида ривожланади” деган фикри ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.<sup>22</sup>

### **Саволлар:**

1. Назарий методлар таснифи хато берилган жавобни кўрсатинг.
2. Шарқшуносликда сўзловчининг кўзлаган мақсадини тушунтириш учун каломни турли воситалар билан безаб изоҳлаш қоидалари илми ...
3. Тадбиқ этилаётган объект ўзининг конкрет шаклида эмас, балки у бажараётган функциялар жамида кўришга асосланган фундаментал тадқиқий ёндошув бу-
4. Моделлаштириш - нима?

**ВАЗИФА: Ўзингиз ёқтирган асар ёки шеърдан парчанинг поэтикасини ёзма таҳлил қилинг.**

### **5-мавзу: Адабиётлараро жараёнларнинг шакллари**

<sup>19</sup> Потебня А.А Из записок по теории словесности.-Харьков.1905.

<sup>20</sup> Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества.- М.: Искусство, 1979.

<sup>21</sup> Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари /Тарихий поэтиканан очерклар / Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. -Т.2015.

<sup>22</sup> Жирмунский В.М. Задачи поэтики / Теория литературы. Поэтика. Стилистика. –Л.1977.-С.15. Историческая поэтика: Итоги и перспективы изучения. - М., 1986. -С.12

Миллий, ҳудудий ва жаҳон адабиёти доимо ўзаро алоқада ривожланади ва бир-бирини бойитади. Жаҳонда бирор адабиёт фақат ўз қобигида, ўз адабий анъаналари доирасида ривожланмайди, балки бошқа адабиётларнинг илғор тажрибаларига таянган ҳолда ўз тараққиётини белгилайди.

Миллий адабиёт - ҳар бир ҳалқ маданий ҳаётининг ажралмас қисми, муайян миллатнинг, масалан ўзбек, рус, япон ҳалқининг адабий мероси, назмий ва насрий дурдоналари, ўлмас асарларидир. Рус компаративист олим Б.Г.Реизовнинг фикрига қўра, миллий адабиёт кўплаб адабий ва маданий кучларнинг, тенденция ва имкониятларнинг бирлашувиdir.<sup>23</sup>

Миллий адабиётнинг асосий кўрсаткичларидан бири унда бирор ҳалқ менталитетига хос анъаналарнинг, урф одатларнинг, миллат руҳиятининг акс этишидир. Шунинг учун, Чўлпон таъкидлаганидек, адабиёт яшаса, миллат яшайди.

Регионал адабиёт географик жиҳатдан маълум чегараланишга эга бўлган ҳудудий адабиётдир. Масалан, Марказий Осиё ҳалқлари адабиёти, Европа адабиёти, Яқин Шарқ мамлакатлари адабиёти ва ҳ.к. Уларни тарихий тараққиёт босқичлари, ўзи хос анъаналар ва ниҳоят маълум бир ҳудуд бирлаштириб туради. Бундай тасниф генетик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган ёки тарихий тақдир бирлаштирган ҳалқлар адабиётия хос умумий жиҳатларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, «ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва қорақалпоқ ҳалқлари нафақат географик жиҳатдан ўхшаш минтақада ёки ижтимоий-тарихий шароити умумий хусусиятга эга ҳудудда яшайди, балки уларнинг тили, адабиёти, тарихи ва урф-одатларида ҳам муштарақлик оз эмас. Уларнинг ҳалқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёти тарихида ўхшашликлар кўплигига мисоллар етарли. Бу омиллар Марказий Осиё

---

<sup>23</sup> Данилина Г.И. Сравнительное литературоведение. Хрестоматия-Тюмень, 2011. -С.134.

адабиётларини ўзаро яқинлаштиришда, улар ўртасида адабий алоқалар ва таъсиrlарнинг юзага келиши ва муваффакиятли ривожланишини таъминлайди»<sup>24</sup>.

“Жаҳон адабиёти” деганда, у ёки бу мамлакатда яратилиб, ўзининг эстетик даражаси бўйича бутун дунёда талаб қилинган асарлар тушунилган”<sup>25</sup>

**Адабиётлараро алоқалар** ҳар бир миллатнинг маънавий-маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Адабий алоқаларнинг қиёсий адабиётшунослик обьекти сифатидаги ўрни, унинг моҳияти ҳақида жуда кўплаб илмий асарлар битилган. А.Дима, И.Неупокоева, Н.Конрад, М.Жирмунский, Б.Назаров, Н.Каримов, Б.Каримов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида адабий алоқалар ва уларнинг адабиётшуносликдаги аҳамияти борасида муҳим илмий-назарий хулосалар баён қилинган.

### **Саволлар:**

1. Билимни тузилиши, структураси ва ривожланишини ўрганадиган фалсафий-методологик таълимот бу
2. Метатекстни изоҳланг?
3. Паратекстуаллик нима?
4. Интертекстлик нима?

**ВАЗИФА: Араб ўзбек, форс ўзбек, корейс ўзбек, япон ўзбек ва ҳ.к. каби адабий алоқалардан бирига мисол келтириб таҳлил қилинг.**

### **6-мавзу: Қиёсий тадқиқотлар тақдимоти**

---

<sup>24</sup> Курамбоев К. Адабий алоқалар – миллий адабиётлар тараққиётининг қонуниятларидан бири <http://uzadab.ndpi.uz/adabiy aloqalar.html>

<sup>25</sup> A.Qosimov, A.Hamroqulov, S.Xo‘jayev Qiyosiy adabiyotshunoslik. –T.Akademnashr, 2019. – B.35.

Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг истиқболи. Ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти контекстида. Қиёсий тадқиқотлар ва уларнинг моҳияти. Ўзбек адабиётшунослигига қиёсий йўналишдаги илмий ишлар. Қиёсий адабиётшунослик бўйича тингловчиларнинг ўз тақдимотлари.

### **Саволлар:**

1. Тарихий мезон – бу
2. Гносеологик мезон – бу
3. Маънавий-гоявий мезон – бу
4. Маънавий-гоявий мезон - бу

**ВАЗИФА: Ўзингизнинг мутахасислигиниз билан боғлик равишда қиёсий тадқиқотни амалга ошириб, тақдимот тайёрланг.**

Тахминий мавзулар:

1. Араб ва ўзбек тилида сифатлар.
2. Хитой ва ўзбек тилида хурмат шакли
3. Умар Хайём: оригинал ва таржима
4. Одиссея ва Алпомиш достони
5. Форс ва ўзбек мумтоз шеъриятида антик образлар
6. Ғарб ва Шарқ адабиётида аёл мақоми

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘ulo1-variant**

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘uloti ajratilgan. Keys o‘lchami unchalik katta emas .**

- 1. Keys bilan yakka tartibda tanishish.**
- 2. Keys bilan jamoa bo‘lib ishslash:**
  - 2.1. Aqliy hujum: - muammoli vaziyatni hal etish g‘oyalari generatsiyasi.**
  - 2.2. Jamoaning bahosi va ustuvor g‘oyalarning tanlanishi.**
- 3. O‘qituvchi rezyumesi.**
- 4. Tinglovchilarning o‘quv yutuqlarini baholash**

**2-variant**

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘uloti ajratilgan. Keys o‘lchami unchalik katta emas.**

- 1. Keys bilan yakka tartibda ishslash.**
- 2. Jamoaning muammoli vaziyatni tahlil qilish va hal etish, bunday amaliy vaziyatdagi faoliyat bo‘yicha tavsiyalarni ishlab chiqishga qaratilgan munozarasi.**
- 3. O‘qituvchi rezyumesi.**
- 4. Tinglovchilarning o‘quv yutuqlarini baholash**

### **3-variant**

**Keys bilan ishlashga 1 ta o‘quv mashg‘uloti ajratilgan. Keys o‘rtacha o‘lchamli.**

1. Keys bilan auditoriyadan tashqari vaqtida yakka tartibda ishslash.
2. Auditoriyada ishslash:
  - 2.1. Kichik guruhlarda ishslash: keys bilan yakka tartibda ishslash natijalarini muhokama qilish bo‘yicha kichik guruhlardagi ishlar; jamoaning muammo yechimi bo‘yicha taklif qilingan muqobil variantlarni tahlil qilishi va baholashi, ustuvor g‘oyani tanlashi; muammoli vaziyatni hal etish dasturining ishlab chiqilishi.
  - 2.2. Guruh ishi taqdimoti.
  - 2.3. Muammoli vaziyat yechimi bo‘yicha taklif etilgan variantlarning jamoadagi muhokamasi.
3. O‘qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o‘quv yutuqlarini baholash

## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Синтезм</b>	француз тилида кўшиш, жамлаш дегани. Импрессионизм (санъатнинг барча турларида таассурот қолдириш)нинг бир кўриниши. Адабиётдаги синтезм ҳар хил ижодий услублардан унумли фойдаланиш, жамлаш, мазмун ва шакл жиҳатдан ноёб асар яратиш.
<b>Менталлик</b>	у ёки бу миллат хусусиятидан келиб чиқадиган тафаккур тарзи, оламни миллий асосларга таяниб идрок қилиш. (Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Юсуф асарларида менталлик кучли).
<b>Рецептив эстетика</b>	(қабул қилиш) Эстетиканинг бир йўналиши бўлиб, матн ва китобхон орасидаги эстетик диалогdir, у ёки бу асарнинг китобхон томонидан қабул қилиниши.
<b>Интертекст(лик)</b>	(1967- йилда француз олимаси Юлия Крестева фанга терминни киритди) матнларнинг ўзаро алоқага киришуви. Адабий матнларнинг ўзаро алоқаси.
<b>Паратекст (уаллик)</b>	матн атрофидаги эпиграф, мавзу, умуман матн атрофидаги унсурлар билан боғлиқлиги.
<b>Метатекст</b>	асосий матн ёки бадиий китоб билан боғлиқ матнлар ва китоб (асар)лар алоқаси. Шекспирнинг “Ромео ва Жулета” асари бошқа шунга ўхшаш асарлар учун метатекст вазифасини бажара олади.
<b>Гипертекст</b>	биринчи марта комъютер лингвистикасида пайдо бўлган. Ҳаволалар орқали катта матнлар ёки ҳаволаларга ўтиш.
<b>Архитекст</b>	матнларнинг жанр жиҳатдан боғлиқлиги. Типологик ўхшашликлари ва фарқлари.

<b>Имагология</b>	(image тасвир) бир халқ адабиётида ўзга халқнинг имеджини яратиш. (Рус нигоҳида Навоий ижоди, Немцы глазами русских). Бахтин имагологиянинг асосларини яратиб, Чужое – своё (ўзганики – ўзимизники) назариясини яратган. “Эстетика словесного творчества” китобида очиб берилган.
<b>Ворислик</b>	анъаналарга содик қолиш (Навоий ижодида антик анъаналар, Ҳамсачилик).
<b>Семиотика</b>	белгилар ҳақидаги фан. Адабиётдаги семиотика бу адабиётнинг барча унсурларини майда деталларигача таҳлил қилиш, умумий ва хос томонларини аниқлаш. И.Стеблеванинг Семантика газеля Бабура” китоби семиотик таҳлил намунасидир. Асосчиси Юрий Лодман (Латвия 20- аср).
<b>Қиёслаш типологияси</b>	умумий хусусиятларига кўра (битта тил оиласига киришига кўра, жанрга кўра, этник хусусиятларига кўра) у ёки бу адабиёт намуналарининг қиёсланиши. Типология натижасида айрим тил ва адабиётларга хос бўлган умумий қонуниятлар шаклланади

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Минералов Ю.И. Сравнительное литературоведение (Компаративистика). Учебник. – М.: Юрайт, 2018. - С. 387.
2. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Изб.тр. – М.: Наука 1979.
3. Аминева В.Р. Основы сравнительного и сопоставительного литературоведение.
4. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы М.1979
5. Конрад Н.И. Запад и Восток. М.: Наука.1966
6. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб.Т.Ўзбекистон.1997
7. Дима.А. Принципы сравнительного литературоведения.-М.1977
- 8 Халиева Г XX Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти.Т.2018

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Борев Ю.Б. Эстетика. Теория литературы. Энциклопедический словарь терминов. Москва,2003/
2. Пруцков Н.И. Историко-сравнительный анализ произведений художественной литературы. –Л.:Наука,1974.
3. Конрад Н.И. К вопросу о литературных связях. // Литература и театр. –М.: Наука,1978. –С. 52–53.
4. Богаткина М.Г. О формировании новой парадигмы в современной компаративистике // Международная научная конференция. –Казань, 2004. – С.302–304;
5. Котенко В.П. Компаративистика–новое направление методологии анализа научной деятельности и развития науки // Библиосфера, №3. – Новосибирск, 2007. –С.21–27;
6. Беркалиев Т.Н. Особенности компаративистики как науки и метода исследования // Библиосфера, №1. –Новосибирск, 2009. –С.10–16;

7. Бекметов Р.Ф. Литературная компаративистика как методологическая проблема // Филология и культура, №22.-М.,2010 – С.62–69.

8. Аминева В.Р. Типы диалогических отношений между национальными литературами как предмет компаративистики / Знание понимание,умение.-М.2008 №4.-С.88-93

9. Аминева В.Р. Межлитературный диалог как понятие компаративистики // Филология и культура. –Казань, 2010, №1(19). –С.71–78;

10. Топер Т.М Перевод в система сравнительного литературоведения. - М.2000

11. Неупокоева И. Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. – М.: РАН,1963.